

## А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2022 йил июнь ойининг 15 куни, жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар суди, Қарши шаҳар “Кунчиқар” МФЙ биносида, очиқ сайёр суд мажлисида, судья Ш.Нурматовнинг раислигида, судья ёрдамчиси Б.Зокировнинг котиблигида, Қарши шаҳар прокурори ёрдамчиси И.Сайитов, жабрланувчи И.Саодинов, ҳимоячи адвокат Ф.Атавуллаевнинг иштирокида,

1994 йил 25 ноябрь куни Қарши шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, муқаддам судланмаган, маълумоти ўрта, бўйдоқ, вақтинча ишсиз, Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳар, “Араловул” МФЙ, Шухрат кўчаси 14-уйда яшайди, тилхат тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2022 йил 26 май куни олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 277-моддаси 1-қисми билан Одилов Улуғбек Обид ўғлига оид 1-1801-2203/382-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Дастлабки тергов ҳужжатларига кўра, У.Одилов 2022 йил 10 апрель куни соат таҳминан 16:00 ларда ўзини бошқарувида бўлган “Нексия-1” русумли, 70N132EA давлат рақамли автомашинасида Қарши шаҳар “Оқтепа” МФЙда жойлашган “Орзу” бозори ёнидан Қарши шаҳар солиқ бўлими томон ҳаракатланиб бораётиб, бозор ёнида йўловчи тушириб турган “Матиз” русумли, 70F858МА давлат рақамли автомашина хайдовчиси Саодинов Икром Норбоевични олд томонига айланиб ўтиб, автомашинасидан тушиб келиб, И.Н.Саодиновни ҳеч бир сабабсиз ҳақорат қилиб, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан, И.Н.Саодиновни бошқарувида бўлган “Матиз” русумли автомашинани оёқлари билан тепиб, автомашинага шикаст етказиб, бунга қаршилик қилмоқчи бўлган И.Н.Саодиновни танасини дуч келган жойларига қўл ва оёқлари билан уриб, унга енгил тан жароҳати етказган ҳолда безорилик жиноятини содир қилган.

Тайинланган судга оид-тиббиёт экспертизасининг №1060/138-Шар сонли хулосасида фуқаро И.Саодиновнинг танасида бурун суягининг ўрта қисмидан ёпиқ синиши, ўнг кўз атрофидаги қонталашлари кўринишидаги жароҳатлари аниқланган бўлиб, ушбу жароҳатлар шикастланган сохага бирон бир қаттиқ тўмтоқ жисм таъсири натижасида юзага келган. Ушбу жароҳатлар соғлиқнинг



бузилиш давомийлиги мезонига кўра, соғлиқнинг қисқа муддатга бузилишига бузилишига олиб келган енгил тан шикаст гуруҳига киритилиши кўрсатилган.

Судда У.Одилов ва жабрланувчи И.Саодинов ариза билан мурожаат қилишиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўрашди.

У.Одилов судда, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига иқрорлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги, ҳозирда жабрланувчи билан бирон-бир тазйиқсиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Жабрланувчи И.Саодинов, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, У.Одиловга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлигини, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ, ЖК 277-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашганлиги муносабати билан жиний жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, жабрланувчи И.Саодинов ва У.Одиловнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Қарши шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси И.Сайитов ва ҳимоячи адвокат Ф.Атавуллаевнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, У.Одиловнинг айбига ихтиёрий иқрорлиги ва етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчи И.Саодинов ҳамда У.Одиловга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув У.Одилов ва жабрланувчининг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖК 277-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инобатга олиб, У.Одиловга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топди.

Шу билан бирга, суд жабрланувчи И.Саодиновга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг улар мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқларини йўқотишларини тушунтиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддасининг 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд



## А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 277-моддаси 1-қисми билан Одилов Улуғбек Обид ўғлига нисбатан жиноят иши ярашилганлиги муносабати билан тугатилсин.

У.Одиловга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Жабрланувчи И.Саодиновга мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқлари йўқолганлиги тушунтирилсин.

Ажрим устидан йигирма сутка ичида Қашқадарё вилоят судига хусусий тартибда шикоят берилиши ёки протест билдирилиши мумкин.

Раислик қилувчи судья

Ш.Нурматов

